

МЕНГЛИБОЙ МУРОДОВ

ГУНОҲ

Роман

Тошкент
«Янги аср авлоди»

2012

УДК: 821.512.133
ББК: 84(5Ўзб)6
М- 81

Муродов Менглибой. Гуноҳ. Роман. / — Т.: Янги аср авлоди, 2012. — 304 б.

Инсон айниқса, ўзининг ёшлик йилларида баъзан ўткинчи ҳистуйғулар таъсирида, баъзан ҳақиқий ишқнинг ўрнини босган ҳавас ва ёки эҳтирос оқибатида билиб-билмай катта-кичик хатоликларга йўл қўйиши ҳам мумкин. Афсуски, бундай адашишлар беиз кетмайди. Ахир бежиз қайтар дунё дейишмайди-ку.

Истеъдодли ёзувчи Менглибой Муродовнинг мазкур «Гуноҳ» романида айнан ёшлик даврларида қалтис хатога йўл қўйган Шамсиддин ва Гулсаранинг кейинги умрлари чуқур изтироблар гирдобиди, афсус-надоматлар қийноғида ўтганлиги ёрқин бўёқларда тасвирлаб берилган. Энг ачинарли томони, ота-оналарнинг хатолари бегуноҳ фарзандлар ҳаётини ҳам издан чиқариб юборади...

Ўйлаймизки, асар китобхонларга манзур бўлади.

УДК: 821.512.133
ББК: 84(5Ўзб)6

ISBN 978-9943-08-253-3

© Менглибой Муродов, «Гуноҳ». «Янги аср авлоди», 2012 йил.

МЕНГЛИБОЙ МУАЛЛИМНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ

Кўп ҳолларда истеъдод чархланишига, яхши-яхши асарлар пайдо бўлишига қаламқашнинг бой ҳаётий тажрибаси жуда асқотади. Навоийлик Менглибой ака Муродов мана шундай ижодкорлардан.

Менглибой ака деярли қирқ йил мобайнида болаларга таълим берди. Бу йиллар мобайнида озмунча йигит-қизни катта ҳаёт қучоғига учирма қилдим! Уларнинг ҳар бири бир тақдир, бир қисмат, бир... роман! Мен бежизга «роман» деган сўз олдидан андак ўйла-ниб қолганим йўқ. Гурунларимиздан бирида Менглибой ака айтган бир гап сира ёдимдан кўтарилмайди. «Мақтабда ўзим таълим-таҳсил берган ўқувчиларимни кўз ўнгимдан ўтказаман, кейинги ҳаётлари билан қизиқаман. Уларнинг ҳар бирининг ҳаёти алоҳида романга ўхшаб кетади...» Тажрибали муаллим қўлига қалам тўқазган туйғу ҳам мана шу бўлса не ажаб?!

Ҳаловат «ўғриси» бўлган бу туйғу, мана, сал кам эллик йилдирки, Менглибой муаллимга тинчлик бермайди. «Меҳр», унинг изидан дунё юзини кўрган «Хосиятли кун», «Дийдор», «Юрагимда борин айтдим» китоблари ана шу бедорлик, ана шу тиниб-тинчимаслик меваси.

Шубҳасиз, бадий адабиётнинг мезонини, вазнини белгиловчи насрдек оғир жараёнда ижод қилиш осон эмас. Айниқса, роман жанрига қўл уриш ёзувчидан масъулият билан бир қаторда жасоратни ҳам талаб қилади. Бежиз катта-катта ёзувчилар ҳам бу жанрга эҳтиёткорона муносабатда бўлиб, ҳаттоки йирик-йирик асарларини ҳам камтарлик ила «қисса» деб аташмайди. Қўлингиздаги китоб муаллифи адиблик масъулиятини ҳам, жасоратини ҳам тўла юракдан ҳис этади, «Мен роман ёзиб қўйдим!» деб кўксига урмайди, аксинча, «Кунда, кун бўйи ёзаверибман, ижод столдидан нари жилгим келмайди, ёзганим сайин роҳат оламан», дейди у киши камсуқумлик билан. Дилидаги, қалбидаги ўйларини, сўзларини ёзган одам учунгина ижод машаққати роҳатга айланади.

«Гуноҳ» деярли чорак асрлик воқеаларни қамраб олган бўлса-да, воқеалар хронологик тарзда, ой-кунларига қадар аниқ тарзда кечади. Ушбу ҳолат ҳам асар сюжетининг ўйлаб топилмаганлигини, балки ҳаётнинг ўзидан олинганлигини кўрсатади.

Асарнинг ютуғи шундаки, ёзувчи ҳаётда юз берган анчайин чигал ва айни пайтда қизиқарли воқеаларни шунчаки қоғозга кўчириб қўя қолмайди. Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, унга «кўнглидаги гапларни» қўшиб ёзади. Шу сабабли «Гуноҳ» ҳаяжон ва қизиқиш билан мутолаа қилинади, то сўнгги нуқтага қадар ўқувчини «Кейин нима бўларкан?» деган савол таъқиб этади.

Асар — ёшлар ҳақида. Уларнинг ўй-қизиқишлари, интилишлари, орзу-армонлари, саъй-ҳаракатлари, мақсад йўлида адашишлари ва, табиийки, муҳаббатлари ҳақида.

Бир мулоҳазанинг ўрни келиб қолди.

Инсон табиатан ўзининг катта-кичик қусурларини беркитишга, ҳеч бўлмаса салгина пардалашга мойилроқ бўлади. Шу мақсадда ҳаттоки «Ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандамиз» ё бўлмаса «Ёшлик — бебошлик» сингари нақлларни ҳам ўйлаб топиб қўйган. Аслида эса...

Келинг, фикримизни асардан олинган бир чимдим кўчирма билан давом эттирайлик:

«Азалдан оғир табиатли, гапиришдан кўра тинглашни хуш кўрадиган Эргаш ота қудасининг ҳам, ўғлининг ҳам сўзларини диққат билан эшитиб, бош ирғаб маъқуллаб ўтирарди. Қудасининг «Ёшлик — бебошлик!» деган сўзини эшитиб эса энсаси қотганини яшириб ўтирмади:

— Бебошлик — кўп ёмон нарса! Бебошлик ёшликни хароб қилади. Одам умрининг эгови ҳам шу бебошлик! Бебошлик кўпроқ ота-онасиз, яъни тарбиясиз қолган ёшларда бўлғувчи эди. Шамсиддиннинг эса сизлардек эсли-ҳушли ота-оналари бўла туриб шу ҳолатга тушиб қолганига тушунолмай турибман. Ёлғон сўзлаш, иккиюзламачи бўлиш, саёқ юриб-таёқ ейиш ҳам бебошликнинг оқибати эмасми?.. Бебошлик — бир кун келиб бошга етадиган бало!..»

Қаранг, шу биргина жумлада халқимизнинг болалар тарбияси борасида нақадар донолиги, нақадар масъуллиги акс этган! Ахир бежиз «Бир болага етти қўшни ота-она» демаймиз-ку.

Умуман олганда ҳам, «Гуноҳ» ёшлар ҳаётидан ҳикоя қилса-да, унда бир қатор донишманд оқсоқоллар, оқила кампирларнинг жонли образларини учратасиз. Яна бир мисол: «— Бола тойса, — деди ўғлининг мунғайиб қолганини кўрган Рисолат ая меҳр билан, — ота-она йиқилади, улим».

Ёки бўлмаса бошига кўп савдолар тушган Маматқул отанинг мана бу сўзларини эслайлик: «— Ерга қараган кўзга чанг тушмайди, болам...»

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Умуман олганда, муаллиф қишлоқ одамларининг мулоҳазага ҳамда турли-туман, аммо ўз ўрнида ишлатиладиган нақлларга бой нутқини топиб, саралаб, ўрни-ўрнида ишлата олган. Қаранг, куёвининг бошқа оиласи ҳам бўлганлигини, ундан фарзанд кўришга ҳам улгурганлигини эшитган меҳрибон, ғамхўр ака нима дейди: «Куёвнинг бу гаплари ҳақоратдай туюлган Олимжоннинг кўзларида нафрат олови ёнди:

— Нарвонни қўл ушламаса, оёқ чиқа олмайди... Лойқаланган сув тиниши мумкин, бироқ синган қалб шишасини аввалги ҳолатига келтириб бўлмайди-ку, қуда бобожон!..»

Муаллиф қишлоқ одамларининг жонли нутқидан фойдаланиши жуда ўрнига қўяди: «— Ўғлимизнинг тарафини олиб, уни бутунлай оқламоқчи эмасман, — деди босиқлик билан Маматқул ота. — Шамсиддин ақлли, фаросатли, узоқни ўйлаб иш қиладиган бўлганида биз ҳозир бундай оғир вазиятга тушиб ўтирмаган бўлардик. Той суринмай от бўлмас, деган гап бор. Мана, ўзиям суринганидан пешонасидан юрагигача қашқа қилиб ўтирибди-ку!..»

Мен Шамсиддин билан Гулсаранинг фожиали кечмишлари, Ойсаранинг изтироблари, айбсиз айбдорларга айланишган Меҳридин билан Гўзалоининг ўқувчи қалбини ларзага соладиган қисматлари хусусида батафсил тўхталмайман. Зеро, бунинг учун асар мазмунини тўла ҳикоя қилиб беришга тўғри келарди...

Менглибой муаллимнинг дилидан, қалбидан қоғозга роман шаклида тўкилган «Гуноҳ» асари «Ёшлар йили»да ёшларга ўзига хос муносиб совғаси бўлди. Умид қиламизки, асар ёшларнинг ҳам, кексаларнинг ҳам — кенг омманинг сеvimли китобига айланади.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Ташландиқ чақалоқ

Баҳор фасли ўз ўрнини ёзга бўшатиб бера бошлаган кунларнинг бири эди.

Намозшом палла.

Юзига билинар-билинемас доғ тушган, сочини турмаклаб боғлаган, ўрта бўйли, озғин, одмигина қизғиш кўйлак кийган йигирма ёшлар чамасидаги жувон оқ чойшабга ўралган қўғирчоққа ўхшаш бир нимани маҳкам бағрига босганча шаҳарнинг паст-баланд биноларига синчковлик аралаш ваҳима билан кўз ташлаганча катта кўчага туташ йўлакчадан илдам кетиб борарди.

Ниҳоят аёл пештоқига «Шаҳар болалар уйи» деб ёзилган бинонинг дарвозаси олдига келганда тақа-тақ тўхтади. Сўнг юрак ютиб оёқ учида бир неча қадам олдинга юрди ва дарвоза тирқишидан ичкарига ўғринча мўралади. Шу аснода аёл қўлидаги юки ўралган чойшабнинг бир четини озгина кўтариб қўйган эди, муштдеккина чақалоқнинг шолғомдай қип-қизил юзи кўриниб қолди.

Аёл катта дарвозани секин итариб кўрди, аммо у ичкаридан қулфланганми, очилмади. Худди шу маҳал дарвозадан икки-уч қадам наридаги бир тавақали эшик очилгандай бўлди. Бола кўтарган аёл шу томонга «ялт» этиб қаради. Кейин шоша-пиша эшикка яқинлашди ва жон ҳолатда ичкарига бош суқди. Каттагина ҳовлининг спорт майдончасида ўн-ўн бир ёшлар чамасидаги бир тўп болалар волейбол ўйнашарди.

Аёл ҳадиксираган кўйи эшикдан ичкарига кирди. Аввал ҳар томонга хавотир аралаш аланглаб олгач, секин ҳовли томонга юра бошлади. Кейин қадамини тезлатди. Нигоҳи арча дарахтининг остидаги ўриндиққа тушган жувон шо-

шиб шу жойга етиб борди-да, бағридаги гўдагини ўриндиққа оҳиста ётқизди. Аёл қўрқувга тўла кўзларини бундан кейинги тақдири номаълум, эҳтимол бир умрга бағридан ажралиб қолаётган нораства гўдагига тикди.

Аёл шошилаётганлигига қарамай боласининг митти юзидан ўпмоқчи бўлди, бироқ унинг уйғониб кетишидан қўрқдим, дарҳол фикридан қайтди. Аёл яна ва яна гўдагининг юзкўзларига суқлана-суқлана термулди. Кўзларига ёш тўлиб-тўлиб термулди... Шу пайт гўдак кулимсираб қўйди.

Бу ҳолат аёлнинг юрагини баттар хуружга келтирди. Ўзини йўқотаёзган аёл шу онда гўдагини бағрига олиб тўйиб-тўйиб эркалагиси, муаттарлик ва мафтункорликда бу дунёда ўхшаши йўқ чақалоқ исидан маст бўлгиси келди.

Бироқ рўпарадаги бино зинапояларидан эшитилган оёқ товушлари аёлни бирдан сергаклантирди. Аёл шошиб шу томонга қаради. Қирқ-эллик қадамча наридаги зинадан оқ халатли, ёши эллик бешларга яқинлашган кўзойнакли, басавлат хотин шошилмасдан, аммо шу томонга диққат билан қараган кўйи тушиб келарди. Гўдаги ёнида турган аёл аввал сесканиб кетди, сўнг гўё бир сонияда эсини йиғиб олган каби чаққонлик билан елкасига осиб олган қора сумкасини титкилаб буклоқлик бир парча қоғозни олди ва уни апил-тапил йўргакнинг ичига тикди. Шундан кейин аёл гўдагини ўриндиқда қолдирганча жон ҳолатда ўзини эшикка урди.

Воқеанинг бунақа ривожланишини кутмаган бўлса керак, аввал анг-танг қолган кўзойнакли ходима дарҳол зипиллаб қочиб кетаётган аёл орқасидан югурди ва йўл-йўлакай қичқирди:

— Ҳой, сингли-и-им, тўхтанг, шошманг-ей!..

Албатта, аёл бу чақириқни эшитди. Лекин ўзини эшитмагандай тутган кўйи эшикдан отилиб чиққан заҳоти катта кўчада у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган йўловчилар оқимига қўшилиб, кўздан ғойиб бўлди.

«Болалар уйи» эшигидан изма-из отилиб чиққан кўзойнакли ходима эса гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа аланглаганча қизил кўйлакли аёлни қидирди, тополмагач, эшик олдида лол туриб қолди.

Худди шу маҳал ўриндиқда қолдирилган гўдакнинг аввал секин, кейин чинқариб йиғлай бошлагани эшитилди ва бу йиғи ходимани ҳушёр торттирди.

Ходимадан ҳам бурун ҳозиргина овқатланиб чиққан беш-олти бола йиғлаётган боланинг овозини эшитишган заҳоти аллақачон югуриб етиб келишганди. Улар бири олиб, бири қўйиб гўдакни йиғидан тўхтатмоқчи бўлишарди, лекин чақалоқ «онамни топиб беринглар» деётгандай зорланиб йиғлашини қўймасди.

Кўзойнакли аёл дарҳол изига қайтди. У етти-саккиз ёшли дўмбоқ болаларнинг қий-чув қилиб чақалоқни қўлма-қўл олишаётганини кўргач, қадамини янада тезлатаркан, олисданоқ уларга қараб хитоб қилди:

— Ҳой-й, тиниб-тинчиманлар, болани йиқитиб қўйманлар тагин!

Шошиб етиб келган ходима ҳамон «инга-инга» қилаётган чақалоқни болаларнинг қўлидан авайлабгина олди-да, бағрига босиб, аллалашга тушди. Гўдак йиғиси бироз пасайди. Аёл гўдакнинг юзига тикилганича чуқур «ух» тортди. Сўнг:

— Эссизгина бола, — деб пичирлаб қўйди.

Чақалоқ оғзини очди, бошини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга буриб тамшаниб-тамшаниб олди-да, йиғисини келган жойидан давом эттирди. Аёл яна аллалаганди, гўдак жимиб қолди. Сўнг тилининг учини юпқа лабларига тегишиб-тегишиб олди-да, тамшана бошлади.

Ходима гўдакнинг очиққанини сезди.

Шу пайт иккинчи қаватдаги дераза очилиб, ундан бўйлаган бир ёш аёл ходима қараб:

— Роҳила опа, сизни директор опа сўраяптилар, — деди.

— Хўп, ҳозир бораман, — деганича Роҳила опа деганлари гўдакни опичлаб, аста ўрнидан турди.

«Нима қилиб қўйдим?..»

Гўдагини болалар уйига ташлаб қочгандан бери ортидан ёв қуваётгандай шошиб-ҳаллослаб кетаётган қизил кўйлакли аёл ногаҳон йўл ўртасидаги тошга суриниб кетди-ю, муккасидан тушишига бир баҳя қолди. Мабодо уни қарши тарафдан келаётган иккита қиз ушлаб қолмаганида, йиқилиши аниқ эди.

Қизлардан бири:

— Гулсарамисиз, мунча шошилиб қаёққа бораяпсиз? — деди ҳайрон бўлиб.

Гулсара «ялт» этиб қизларга қаради-да, уларни қўшни ётоқхонадаги толибаларга ўхшатди, лекин исмларини дарров эслай олмади. Бунинг устига ҳозир ўйлаб ўтирадиган, улар билан суҳбатлашиб кетадиган вақт эмаслигидан минғирлаб қизларга миннатдорчилик билдирган бўлди-да, йўлида давом этди.

Гулсара муюлишгача шу тахлитда боргачгина қадамини бироз секинлатди. Сўнг чўнтақларини қайта-қайта кавлаштирди; қўлига илингани 7 сўм 55 тийин бўлди. Бу пул билан уйига аранг етиб бориши мумкин...

Гулсара тақдирини, бугунини, келажагини ўйлагани сайин ўзини дунёдаги энг бахтсиз аёллар қаторига қўяр ва айни пайтда ўзидан-ўзи нафратланиб кетарди. Шу топда жувон ўзининг ғариб бошини қаёққа уришини билолмай гаранг эди.

Гулсарани бир хаёли ётоқхонага, бир хаёли ўзини шу куйларга солган Шамсиддиннинг олдига, яна бир хаёли эса қишлоққа — ота-онаси бағрига боришга ундар эди. Бунинг устига пулиям тугаб қолган...

Ётоқхонадаги қизларга кўринса сири очилиб қолишидан, Шамсиддинга борса, ундан натижа чиқмаслигидан, қишлоққа — ота-онасининг ҳузурига жўнаса «Ёзги имтиҳонлар даврида нима қилиб юрибсан?» қабилидаги саволларга дуч келишидан хавотирланган Гулсара чувалашган фикрларини бир жойга йиғолмай, хаёл сура-сура одамлар гавжум бекатга яқинлашиб қолганида шундоққина олдидан чинқириб ўтган трамвай-

нинг овозидан юзига совуқ сув сепилгандай чўчиб кетиб, дарров ўзини четга олди...

Гулсара тез юрганиданми, қаттиқ қўрқувдан ва умидсиз-вахимали ўй-хаёлларга берилганиданми, қора терга ботганини бекатда туриб қолганида, эсаётган елвизак шамол забтидан сезди. Сезди-ю сумкасидан дастрўмолчасини олиб, юз-кўзларини артди. Аёлнинг назарида ҳамма унга жирканиб ёки нафратланиб қараётгандай эди. Ўзаро гаплашиб, қиқирлашаётган анави йигит-қизлар ҳам гўё шу топда унинг устидан кулишаётгандай, уни масхара қилашаётгандай. Шуларни ўйлаб турганида таниш рақамли автобус келганини кўриб қолдию, бу ердан тезроқ кетишга шошганиданми, Гулсара дарҳол унга чиқиб олди. Бироқ... автобус ичидаги йўловчилар ҳам унга ёмон кўз билан қарашаётгандай туюла бошлади...

Гулсара автобус вокзалига кириб келганида кабоб ва сомсанинг иштаҳани очадиган ислари димоғига урилиб, кечадан бери туз тотмагани учун кўнгли бироз беҳузур бўлиб кетди. У чеккароқдаги сомсапазлардан иккита картошкали сомса харид қилиб, сумкасига солиб қўйди.

Сал ўтмай карнайлардан чиқаётган манқаланган овоз Бухорога автобус жўнаётганини эълон қилди.

Гулсара автобусга чиқди ва бир семиз аёлнинг олдидаги бўш ўринга бориб, аста ўтириб олди.

Зум ўтмай автобус орқасига озгина тисарилиб олгач, шиддат билан олдинга интилди.

Гулсара ёнида ўтирган аёлга секин кўз қирини ташлади: икки юзи шиширилган қизил шардай дум-думалоқ, семизлигидан ҳансирайди, оғзидан мурчли кабобнинг хуштаъм ҳиди анқийди. Семиз аёл юз-кўзларидан сирғалиб тушаётган терларини тез-тез артиб, орасида олтин узуклари ялтираб турган тўмтоқ бармоқларида тутган қаттиқ гулли қоғоздан ясалган елпиғичини елпиб-елпиб қўяди.

Семиз, гавдали бу аёлнинг ёнида Гулсара катта ва семиз она қўйнинг олдидаги кечагина туғилган кўзичоқдай қимтинибгина ўтирарди.

Мурчли кабобнинг ёқимли ҳиди кечадан бери туз тотмаган Гулсаранинг иштаҳасини очиб, безовта қилди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/2203> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2203> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2203>